

**Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий  
Бош бошқармаси**

**Н И З О М И**

**2017 йил**

## **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4954-сон Фармонига асосан тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси (Ўзавтойўл ДАК) негизида Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари Давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – “Муассис”) ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли қарорига мувофиқ Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари худудий Бош бошқармаси (кейинги ўринларда - Бош бошқарма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари Давлат қўмитаси ташкилий тузилмасига киритилган.

3. Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари худудий Бош бошқармаси – “Қашқадарёавтойўл” худудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг ҳукукий вориси ҳисобланади.

4. Ташкилотнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида – Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари худудий Бош бошқармаси (қисқартмаси – “Қашқадарё вилояти АЙХББ”);

рус тилида – Главное управление по автомобильным дорогам Қашқадарё области (қисқартмаси – ГУАД Қашқадарё области).

5. Бош бошқарма таркибига вилоят худудида жойлашган туман йўллардан фойдаланиш корхонаси, кўприклардан фойдаланиш корхонаси, йўллардан мунтазам фойдаланиш корхоналари, давлат унитар корхоналари шаклидаги минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати, унитар корхоналар шаклидаги минтақавий автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар киритилган.

Бош бошқарма таркибига кирувчи корхоналар ўзларининг хўжалик мустақиллигини ва юридик шахс мақомини сақлаб қоладилар.

6. Қашқадарё вилояти худудий автомобиль йўллари бош бошқармасини сақлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари Давлат қўмитаси бошқарманинг Муассиси ҳисобланади.

8. Бош бошқарма давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

9. Бош бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Муассиснинг буйруқлари ва фармойишларига, мазкур Низом ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Бош бошқарма ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга буйсунади.

10. Бош бошқарма Низомига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига асосан киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

11. Бош бошқарма алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, ғазначиликда шахсий ҳисоб рақамига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, штамплари ва бланкаларига, ўзининг номи давлат тилида ёзилган Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган мухрга эга бўлади.

12. Бош бошқарма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда дъявогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

13. Бош бошқарма бошқа корхона ва ташкилотда Муассис бўлишга ҳақли эмас.

14. Бош бошқарманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 23 уй.

## **II. Бош бошқарманинг асосий вазифаси ва йўналишлари**

15. Бош бошқарманинг асосий вазифаси ва йўналишлари вилоят худудида автомобиль йўллари соҳасида ягона техник сиёсатини олиб бориш, автомобиль йўлларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш, автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш, автомобиль йўлларини ҳалқаро транзит йўлакларини шакллантириш, замонавий транспорт оқими шароитларидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, автомобиль йўлларини молиялаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалалари комплекс ҳал этилишини таъминлаш ҳамда буюртмачи хизматининг самарали фаолиятини ташкил этиш, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга ошириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг мавжуд тармоғи сақланишини таъминлаш, уларнинг юкори транспорт-фойдаланиш даражасида бўлишини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш,

автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасида инновацион технологиялар ва замонавий стандартларни жорий этиш, автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан чет элларда ўқув-амалиёт курслари ва семинарлар ташкил этиш Муассиснинг ягона техник сиёсати асосида амалга ошириш ҳисобланади.

16. Бош бошқарма вилоятда автомобиль йўлларини давлат томонидан бошқарадиган махсус ваколатли идора бўлиб қўйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

– вилоят ҳудудидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғида узлуксиз қатновни таъминлаш мақсадида ўзининг таркибиға кирувчи корхона ва ташкилотларнинг техниковий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек пудрат ишларини бажаришда юқори кўрсаткичларга эришилишига шарт-шароит яратиш;

– вилоят ҳудудидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғининг Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонунида белгиланган тартибда қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш ва бевосита мазкур қонунга амал қилинишини назорат қилиш;

– вилоят ҳудудида жойлашган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бўйича буюртмачилик вазифасини амалга ошириш;

– вилоят йўл хўжаликлари манфаатларидан келиб чиқиб, вилоят ҳудудидаги тасарруфида бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш бўйича вилоятдаги йўл хўжаликларини бошқаришда ягона техник сиёсатни олиб бориш;

– вилоятдаги йўл хўжаликларининг молиявий, моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланишда барча йўл корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– Бош бошқарма таркибиға кирувчи корхоналарнинг биргаликдаги харакатлари билан ишлаб чиқаришда хом-ашё, материал ва ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, илфор техника, технология, материалларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва илмий-техникавий тадқиқотларни ташкил қилиш;

– давлат органлари, бошқа корхона ва уюшмалар билан ўзаро ҳамкорликда ўз таркибиға кирувчи корхона ва ташкилотлар манфаатларини химоя қилиш;

– меҳнат жамоаларининг ижтимоий ривожланиши масалаларини ҳал қилишда таркибидаги корхоналарга ёрдам бериш;

– Бош бошқарма таркибидаги корхоналар томонидан шартномалар асосида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва бошқа турдаги пудрат ишларини бажариш;

– ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчини танлаш, иш хақи тўлашда ўрнатилган тартиб ва усулларни қўллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва ўз-ўзини бошқариш масалаларини мустақил ҳал қилиш, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

### **III. Бош бошқарма фаолияти юзасидан Муассиснинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

18. Муассис қонун хужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги хуқуқларга эга:

– Бош бошқарма фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, турларини белгилаш;

– Бош бошқарма Низомини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

– Бош бошқарма бошлигини тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

– Бош бошқармани қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

– Бош бошқарма мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

– Бош бошқарманинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

– Бош бошқармага етказилган заарларни ундириш тўғрисида ташкилот раҳбарига нисбатан судларга даъво тақдим этиш;

18. Муассис қуйидагиларга мажбур:

– Бош бошқарма бошлигини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ директор билан меҳнат шартномаси тузиш;

– Бош бошқармага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

### **IV. Бош бошқарманинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

19. Бош бошқарма қонун хужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги хуқуқларга эга:

– Республика йўл хўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш;

– меҳнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шаклларини қўллаш;

– меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш;

– давлат органлари, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда ташкилот таркибига киравчи корхоналар манфаатларини химоя қилувчи вакил бўлиш;

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган барча хукуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

20. Бош бошқарма директори Бош бошқарманинг яккабошчилик тартибида фаолият юритувчи ижрочи раҳбар ҳисобланади ва ташкилот олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, хусусан ташкилот номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, ташкилот номидан битимларни тузади, ходимларни ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, уларни ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

21. Бош бошқарма директори Бош бошқармага юклangan вазифа ва функцияларга мувофиқ Бош бошқарма фаолиятининг ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

22. Бош бошқарма директори Бош бошқарма ходимларининг штат бўйича сони, уларнинг лавозим тариф разрядлари ва иш ҳақи миқдорларини Муассис билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.

23. Бош бошқарма директори Муассис олдида Бош бошқарма Низомида белгиланган тартибда Бош бошқарма фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

24. Бош бошқарма директори ўз хукуқ, мажбуриятлари ҳамда вазифаларини амалга оширишда Бош бошқарма ва унинг таркибидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиласди, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни, иш ҳақини ўз вақтида тўланиши, меҳнат хукуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг таркибидаги корхоналар ҳисоб рақамларига ўз вақтида ўтказиб берилиши ва Бош бошқармага берилган мулкларнинг тўлиқ сақланиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Бош бошқарма қўйидагиларга мажбур:

– Бош бошқармага берилган мулқдан мақсадли фойдаланиши ва сақланиши, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

– Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилиш;

## **VI. Бош бошқарманинг жавобгарлиги**

26. Бош бошқарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Бош бошқарма Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Шунингдек Муассис ҳам Бош бошқарманинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

## **VII. Бош бошқарма фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш**

27.Бош бошқармани Муассис томонидан тайинланган директор бошқаради. Бош бошқарманинг директори ўринбосари, бош муҳандиси, бош ҳисобчиси ва бўлим бошлиқлари Муассис билан келишилган ҳолда Бош бошқарма директори томонидан тайинланади (озод этилади).

28. Бош бошқарма ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади, ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

29. Бош бошқарма ҳисобот даври (чораклик, йиллик) якуни бўйича ўзининг ҳамда таркибидаги корхона ва ташкилотларининг йиғма баланс ҳисоботларини Муассисга ўрнатилган тартибда топширади. Бош бошқарма ўз таркибидаги корхоналар балансларининг тўлиқлигини назорат қиласида ва ҳаққонийлигига жавоб беради, ҳамда ушбу масалалар учун маъсул ва жавобгар ҳисобланади.

30. Бош бошқарма фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## **VIII. Бош бошқармани қайта ташкил этиш ва тутатиш**

31. Бош бошқарма Муассис қарорига билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёҳуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тутатилиши мумкин.

## **IX. Якуний қоидалар**

32. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

33. Низом амалдаги қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

**Бош бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Б.Қ.Рахимов**